

Ҳажга қўйилган 65 ёш чеклови - Саудия ҳаж вазирлиги талабидир!



15:57 / 04.06.2022 3883

Шу кунларда яқинлашаётган ҳаж сафари учун белгиланган энг юқори ёш чегараси бўйича кўп мурожаатлар бўлмоқда. Ушбу масалага ойдинлик киритиш учун қуйидагиларни баён этамиз. Маълумки, Саудия Арабистони Ҳаж ва умра вазирлиги пандемия ҳамон давом этаётгани туфайли “Ҳаж - 2022” баёнотида бир қатор талаб ва чекловларни эълон қилди:

Биринчидан, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳаж ва умра вазирлиги томонидан қўйилган қатъий карантин талабга кўра, “Ҳаж-2022” мавсумида иштирок этиш ёш чегараси 65 ёшгача этиб белгиланди. Ушбу ёш чегарасига 1957 йил 30 июнь кунигача туғилган инсонлар киради. Кези

келганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёш чегараси билан боғлиқ мазкур тартиб – Саудия Арабистонининг бутун дунё давлатлари учун қўйилган қатъий талаби ҳисобланади.

Иккинчидан, бўлажак ҳожилар Саудия Арабистони Подшоҳлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги талабига кўра, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тасдиқланган Pfizer/BioNTech (АҚШ-Хитой), Oxford-AstraZeneca (Буюк Британия-Швеция), Moderna (АҚШ) ва Johnson & Johnson (АҚШ) вакциналарининг тўлиқ дозасини қабул қилган бўлишлари шарт;

Учинчидан, барча зиёратчилар Саудия Арабистони Соғлиқни сақлаш вазирлиги талабига кўра, менингитга қарши 4 валентли вакцинани қабул қилган бўлиши зарур;

Тўртинчидан, барча фуқаролар Саудия Арабистонига киришдан 72 соат олдин коронавирус диагностикаси ҳақида салбий натижали ПЗР маълумотномани тақдим этишлари лозим. Демак, сафарга борувчиларнинг ёш чегараси Саудия Арабистони Ҳаж ва умра вазирлиги томонидан қўйилган жиддий талаб бўлиб, бутун дунё мўмин-мусулмонларига тегишлидир.

Маълумот учун: Зиёратчининг ёш чегараси хорижга чиқиш паспорти асосида белгиланади. Унга кўра туғилган санаси 30.06.1957 йилдан аввалги муддатда бўлган зиёратчига (яъни, 29.06.1957 ва ундан олдинги) Саудия Арабистони Подшоҳлиги томонидан ҳаж визаси расмийлаштирилмайди.

Умид қиламизки, ушбу ёш бўйича чеклов вақтинча бўлиб, келгуси ҳаж мавсумларида ёши улуғ инсонларни ҳам бу муборак амални адо этиш саодатига эришадилар, инша Аллоҳ.

Таъкидлаш жоизки, 1957 йил 30 июнь кунига қадар туғилган ёши 65 га тўлган ва ундан юқори бўлган ёши улуғларнинг ҳаж сафари навбати белгиланган тартибда келгуси йилларга ўтказилади.

Ҳаж мавсумига оид энг сўнгги, расмий ва ишончли хабарларни бизнинг сайт ва тармоқларимизда мутолаа қилинг!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати